

8-1-2018

THE CHARACTERS OF JOINT-STOCK COMPANIES AND JOINT-STOCK FINANCING

Q. Chingulov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Chingulov, Q. (2018) "THE CHARACTERS OF JOINT-STOCK COMPANIES AND JOINT-STOCK FINANCING," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 41.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/41>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Чинқулов Қ.Р. – ТМИ, таянч докторант

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ҲАМДА АКЦИЯДОРЛИК МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада акциядорлик молиялаштиришнинг моҳияти, акциядорлик жамиятларининг асосий устунликлари ва камчиликлари, акциядорлик молиялаштириш орқали инвестициялар жалб этиш масалалари келтирилган.

Таянч сўзлар: капитал, фонд бозори, акциядорлик жамияти, корпорация, акциядорлик молиялаштириш, акциялар эмиссияси, инвестицион ресурслар, дивидендлар.

В статье рассматривается сущность акционерного финансирования, основные преимущества и недостатки акционерных обществ, привлечение инвестиций посредством акционерного финансирования.

Ключевые слова: капитал, фондовый рынок, акционерное общество, корпорация, акционерное финансирование, эмиссия акций, инвестиционные ресурсы, дивиденды.

The article deals with the essence of equity financing, the main advantages and disadvantages of joint-stock companies, attracting investments through equity financing.

Keywords: capital, stock market, joint-stock company, corporation, equity financing, issue of shares, investment resources, dividends.

Кириш

Маълумки, 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган эди. Мазкур Ҳаракатлар стратегиясининг 3.1-бандида “капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш” белгиланган [1].

Ўз навбатида, фонд бозорининг энг асосий иштирокчиси акциядорлик жамиятлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида акциядорлик жамиятига “Устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилади” [2] дея таъриф берилган.

Инвестицияларни жалб қилиш мақсадида акциядорлик жамиятлари (шунингдек, корпорациялар [3] деб ҳам номланади), улушли қимматли қоғозлар (оддий акциялар)ни эмиссия қилиши мумкинлиги каби қарзли қимматли қоғозлар (асосан корпоратив облигациялар)ни ҳам эмиссия қилиши мумкин. Келтирилган қимматли қоғозларнинг ҳар бир тури молиялаштириш манбалари тизимида ўз ўрнига, хусусиятли жиҳатларига эга. Шунга мувофиқ

улар замонавий иқтисодиётда ўзининг махсус функцияларини бажаради. Алоҳида мамлакатларда акция бозори ва корпоратив облигациялар бозори ҳажмининг ривожланиш фарқи улар молия тизими фаолиятининг тарихий хусусиятлари билан боғлиқ. Шунингдек, корхона мулкдорлари билан олдиндан белгиланган ўзига хос муносабат шакллари капиталга эгаликнинг мураккаб тузилмасига ҳам таъсир кўрсатади.

Акциядорлик молиялаштириш ўз-ўзини молиялаштириш усулларидан бири бўлиб, акциядорлик жамиятлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун акцияларни эмиссия қилиш (чиқариш ва жойлаштириш) орқали ресурс (инвестиция) жалб этишни англатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Акциядорлаштириш (акциядорлик жамиятлари фаолиятини ташкил этиш) методологияси борасида тадқиқот олиб борган иқтисодчи олим Л.Н.Страхованинг фикрига кўра, акциядорлик тарзидаги тадбиркорлик узок эволюцион ривожланиш йўлини босиб ўтди. Жараён натижасида доимо такомиллашиб келди. Шунингдек, унинг асосий ғояси бўлган акциядорлик жамияти таъсисчилари рискининг акцияларга йўналтирган қўйилмаларининг ҳажми билан чегараланганлиги ва шу асосида капиталнинг шакллантирилиши бутун ривожланиш даврида ўзининг мазмун-моҳиятини сақлаб қолди. Акциядорлик жамиятлари (корпорациялар) фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий хусусиятлари уларга объектив равишда қимматли қоғозларни эмиссия қилиш орқали инвестицияларни жалб этиш каби алоҳида имкониятларни тақдим этади. Бунда акциялар нафақат бундай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарнинг тузилмасини шакллантирувчи муҳим элемент сифатида, балки тез мослашувчан, инвестицион ресурсларнинг аккумуляциясини таъминлайдиган, корпорациянинг хўжалик фаолиятини юритишда зарур молиявий инструмент сифатида ҳам юзага чиқади [4].

XX асрда акциядорлик жамиятларининг шаклланиш жараёни жадаллашди. Бу билан улар иқтисодиётнинг бутун бир тармоқ ва соҳаларининг ривожига муҳим ҳисса қўшди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин акциядорлаштириш бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда ижтимоий таъминотнинг замонавий тизими, таълим, медицина хизматларини кўрсатишнинг асоси ҳисобланган молиявий фондлар, хусусий пенсия фондлари, суғуртанинг ривожланишига имконият туғдирди.

Хорижий иқтисодчи олимлар Н. В. Буркова, М. Ю. Маковецкийларнинг фикрига кўра, ҳозирги кунда акциядорлик жамиятлари ҳақли равишда бозор иқтисодиётининг энг муҳим институтлари қаторига киради [5]. Ташкилий шаклнинг ўзи уларга қимматли қоғозларни, хусусан, акцияларни эмиссия қилиш ҳисобига хўжалик (шунингдек, инвестицион) фаолиятини молиялаштириш имкониятини беради [6].

Акциядорлик капитали шаклланиши борасида тадқиқот олиб борган иқтисодчи А. А. Пороховскийнинг фикрига кўра, айнан акциядорлик мулки ва акциядорлик капитали базасида иқтисодий тараққиёт учун нафақат мустаҳкам асос шаклланади, балки капитал ва бизнеснинг концентрацияси учун тенг шароит яратилади [7].

Иқтисодчи олимлар В. В. Бочаров ва В. Е. Леонтьевнинг фикрига кўра: “Бизнеснинг корпорация тарзида юритилишининг афзалликларидан бири бўлиб мулк ҳуқуқини ўтказишнинг оддийлиги ҳамда янги акциялар пакетини эмиссия қилиш орқали нисбатан қисқа давр мобайнида қўшимча пул ресурсларини жалб қилиш имкониятининг мавжудлиги ҳисобланади. Ушбу иккита устунлик ҳолати ҳам молия бозорида амалга оширилиб, саноати ривожланган давлатларда корпорацияларни молиялаштиришда муҳим роль ўйнайди” [8].

Бизнинг фикримизча, инвестицион ресурсларни жалб этиш шакли сифатида акциялар эмиссиясининг асосий афзалликлари бўлиб капитални бир неча маротаба кўпайтириш имконияти, ресурсларни муддатсиз жалб этиш ва оддий акциялар эмиссияси амалга оширилганда мажбурий бириктирилган тўловларнинг йўқлиги кабилар ҳисобланади. Дивидендлар кўринишида акциядорларга тўловларни амалга ошириш кўпинча бевосита корпорациянинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари билан боғлиқ. Дивидендларни тўламаслик эмитентга тўғридан-тўғри молиявий эътирозларни келтириб чиқармайди.

Шунинг билан бирга, фикримизча, инвестицияларни жалб этиш тури сифатида акцияларни эмиссия қилишнинг асосий камчилиги корпорацияни бошқаришга янги акциядорларни жалб қилиш заруратидир. Натижада, акциядорлик жамиятини назорат қилиш (бошқариш)ни йўқотиш rischi пайдо бўлади. Бундан ташқари, агар корпорация бозорда унчалик таниқли бўлмаса ёки унинг акциялари паст ликвидликка эга бўлса, у ҳолда манфаатдор инвесторларни топиш учун қўшимча ҳаракат ва харажат қилишга тўғри келади.

Таҳлил ва натижалар

Акциядорлаштиришнинг замонавий ривожланиш босқичи куйидаги алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради:

- акциядорлик жамиятларининг бирлашиши ва қўшиб олиниши натижасида улкан капиталнинг концентрациялашуви, шу асосда стратегик бирлашмаларнинг ташкил этилиши;
- бирмунча жозибадор хорижий бозорларда шўъба тузилмаларни ташкил этиш орқали глобаллашув ҳамда ўз мамлакатидан ташқарида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг оммалашуви;
- қайси мамлакатда бўлишидан қатъи назар, бирмунча арзон инвестицияларни жалб этадиган, саноат ва банк капитали интеграциясини таъминлайдиган, шунингдек, ўз фаолиятининг ташкилий шакл ва йўналишларини диверсификациялаш сиёсатини юргизадиган трансмиллий компаниялар сонининг ортиши, капиталнинг интернационал (байналминал)лашуви.

Акциядорлик жамиятлари тижорат ташкилоти тури сифатида бир қанча устунликларга эга. Шунинг билан бирга, акциядорлик шаклидаги корхоналар бирмунча камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Уларнинг асосийларини қисқача тарзда куйидаги 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин:

**Акциядорлик жамиятлари шаклидаги корхоналарнинг асосий
устунликлари ва камчиликлари***

№	Устунликлари	Камчиликлари
1.	Қимматли қоғозларни чиқариш орқали акциядорлик жамияти (корпорация)нинг фаолият юритиши учун зарур, унинг улкан молиявий қувватини таъминлайдиган сезиларли ҳажмдаги инвестицион ресурсларни жалб этиш имконияти пайдо бўлади.	Қимматли қоғозларни эмиссия қилиш орқали инвестицияларни жалб этиш меҳнат ва моддий харажатларни талаб қилади. Қимматли қоғозларни муваффақиятли жойлаштириш ҳам кафолатланмаган. Ушбу ҳолат нафақат мобилизация қилинаётган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларининг моҳиятига, балки молия бозорининг конъюктурасига ҳам боғлиқ.
2.	Рискнинг, ҳамда корпорациянинг банкротлик ҳолатида акциядорларнинг молиявий йўқотишлар эҳтимоли чегараланган, ликвидацион (тугатиш) қийматини олиш имконияти мавжуд бўлади.	Акциядорлик жамиятининг тугатилиши (банкротлиги) ҳолатида катта эҳтимол, корпорациянинг кредиторлар билан ҳисобкитобидан сўнгра акциядорлар ҳеч нарса ололмаслиги мумкин. Капитални бутунлай йўқотиш (албатта, ўз акция пакети улуши доирасида) rischi мавжуд.
3.	Корпорациялар номуайян муддатга тузилади, фаолияти ихтиёрий равишда ёки банкротлик ҳолатидагина мажбуран тугатилиши мумкин. Яъни, фаолият кўрсатиш муддатининг чегараланмаганлиги (узлуксизлиги) энг асосий устунликларидан бири ҳисобланади.	Корпорациялар юридик шахс сифатида фойда солиғини, акциядорлар эса дивиденддан даромад солиғини тўлайдилар. Жаҳон амалиётида кўпинча корпорацияларда икки томонлама солиққа тортилиш муаммоси мавжуд.
4.	Ташкилий-ҳуқуқий шакли акциядорлик жамияти тарзидаги корхоналар иқтисодиётнинг барча тармоқларида муваффақиятли фаолият олиб бориши мумкин, яъни, фаолияти универсал ҳисобланади.	Корпорацияни ташкил этишдаги чиқимлар билан бирга унинг келажакдаги фаолиятини олиб бориш (сақлаб туриш) мобайнида катта харажатлар юзага чиқади. Жумладан, ҳисоботларни тайёрлаш, аудиторларга тўловлар, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш харажатлари ва ҳ.к.
5.	Корпорациянинг жорий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан акцияларни бир қўлдан иккинчисига ўтказиш (сотиш) имконияти мавжуд.	Зарурат туғилганда акциядорларда корпорациядан акцияни сотиб олишга кетган пул маблағларини қайтариб олиш ёки унинг акцияларини қайта сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд эмас (айрим ҳолатлар бундан мустасно). Акцияларни учинчи шахсга сотиш ҳам уларни сотиб олишга кетган харажатларни тўлиқ қопламаслиги мумкин.
6.	Акциядорлар ҳуқуқларининг қонунчилик тартибида ва уставда умумлаштирилганлиги ва қатъий белгилаб қўйилганлиги, корпорация фаолияти механизмининг ва алоҳида	Корпорациялар, улар фаолиятининг ҳар хил жабҳаларини тартибга солувчи ўз уставида белгиланган ёки ҳар хил инстанцияларда ўрнатилган жуда кўп махсус нормаларга дучор бўладилар. Бу эса улар фаолиятини бирмунча қийинлаштиради.

	процедураларнинг аниқ регламентга солинганлиги қулайлик туғдиради.	
7.	Қимматли қоғозлар бозорида корпорациялар томонидан ахборотни ошкор этишнинг мажбурийлиги корпорация тўғрисида “ахборот камомати”ни тўлдиради. Яъни, умумжамиат фикрини, ўз имижини шакллантириш, бозорда ўзига ҳамкорлар топиш ҳамда бошқа устунликларини амалда реализация қилиш (қўллаш) имконияти мавжуд.	Қимматли қоғозлар бозорида корпорациялар томонидан ахборотни ошкор этишнинг мажбурийлиги, қоидага биноан, ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Ушбу ҳолат нафақат бирмунча молиявий харажатларни талаб қилади, балки рақобатчи корхоналар томонидан ахборотни ўз мақсадларида ишлатиш имконини ҳам беради.

*Манба: Муаллиф томонидан тузилди.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, акциядорлик жамиятлари (корпорациялар) шаклидаги корхоналар ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан бир қанча устунликларга эга бўлиши билан бирга, зикр этилган камчиликлари ҳам мавжуд. Аммо, фикримизча, акциядорлик жамиятларининг мамлакат иқтисодиёти учун фойдаси ва афзаллик томонлари камчиликларидан бир неча маротаба устун туради.

Иқтисодий адабиётларда акцияларни эмиссия қилишдан кўзланган асосий мақсадлар сифатида қуйидагилар келтирилган:

- акциядорлик жамиятини ташкиллаштириш учун янги корхонани бошланғич капитал билан таъминлаш ҳамда хўжалик фаолиятини юритиш;
- хўжалик фаолиятини юритиш давомида қўшимча пул ресурсларини жалб этиш (капитални кўпайтириш);
- бошқа компанияни қўшиб олиш;
- корхонага самарали менежментни олиб кириши, унинг мавқеини қайта тиклаши ёки мустаҳкамлаши мумкин бўлган, капитал тузилмасида ва жамиятни бошқаришда сезиларли ўзгаришларни амалга оширадиган стратегик инвесторни жалб қилиш;
- акциядорлик жамияти устидан назоратни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш.

Масалан, ҳозирги кунда АҚШда акцияларни эмиссия қилишнинг асосий сабаблари қуйидагилар: [8]

- бошқа компанияларни қўшиб олиш мақсадида молиялаштириш;
- корпорациянинг жами капиталида қарз капитали улушини камайтириш;
- асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш.

Умуман, акциядорлик молиялаштиришни амалга оширишнинг пировардида лойиҳа ташаббускори инвестицияларни жалб этиш ва фойдани максималлаштириш имкониятига эга бўлади. Инвесторлар (акциядорлар) эса дивиденд олиш ҳуқуқи билан бирга жозибатор корхона акциясининг эгаси ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам оддий акцияларни эмиссия қилиш инвестиция жалб этиш усули сифатида эмитент компания учун муҳим

қулайликларга эга. Чунки, иқтисодий қулай шартларда (хийла паст капитал қиймати) ва муддатсиз (акциядорлик жамияти фаолиятининг бутун даври давомида) қўшимча молиялаштириш имкониятини беради. Ушбу ҳолат эса, ўз навбатида, корпорацияларнинг йирик дастур ва лойиҳаларни молиялаштиришига реал шарт-шароит яратади.

Акциялар молиявий инструмент сифатида акциядорлик тарзидаги молиялаштиришнинг хусусиятлари ва унинг инвестицион жараёндаги ролини белгилайди. Молиялаштиришнинг акциядорлик шакли юридик ва жисмоний шахсларнинг улуш (бадал)ларини ифода қилади, натижада инвесторлар корпорациянинг акция эга (акциядор)лари бўладилар.

Инвестицион жараёнда акцияларнинг асосий роли акциядорлик жамиятини ташкил этилиш пайтидаёқ аниқ белгилаб берилади. Акцияларнинг бирламчи эмиссияси ва уларни кейинчалик таъсисчилар ўртасида тақсимлаш натижасида хўжалик фаолиятини юритиш учун асос бўлган устав капитали шакллантирилади. Кейинги (такрорий, иккиламчи) акция эмиссияси жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш мақсадида амалга оширилади ҳамда корпорацияни ривожлантириш учун ишлаб чиқариш фаолияти кўламини кенгайтириш, янги инвесторларни жалб этиш ва ўз ресурсларини капитализация (реинвестиция) қилиш каби мақсадларни кўзлайди.

Акциядорлик жамиятлари ўз фаолиятларини кенгайтиришлари учун кредит олишга нисбатан акция эмиссия қилиш орқали молиявий ресурс топиш (акциядорлик молиялаштириш)га интиладилар. Халқаро амалиётда йирик компаниялар, масалан, Samsung, LG, Kia motors компаниялари ўз фаолиятларини кенгайтirmoқчи бўлсалар, асосан акция эмиссия қилиш орқали молиявий ресурс жалб этадилар. [9].

Шунингдек, тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳар бир давлатнинг молия тизими хусусиятлари бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Мазкур ҳолат ҳам акциядорлик молиялаштиришга бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, Германияда корпоратив инвестициялашда банклар асосий ролни ўйнайдилар. Аксинча, Буюк Британияда эса корпорацияларга фонд бозори орқали инвестицияларни жалб этиш ривожланган. [10].

“McKinsey Global Institute” халқаро консалтинг компаниясининг ҳисоб-китобларига кўра ривожланаётган бозорларда охириги ўн йилликда акциядорлик капитали дефицитининг ўсиши кутилади. Экспертларнинг баҳолашларига кўра, 2012-2022 йилларда акциядорлик капиталига бўлган талаб ва таклиф орасида 8 трл.долларга яқин тафовут бўлади [11]. Демак, акциядорлик капиталига бўлган эҳтиёжни қоплаш борасидаги ишларни мамлакатимиз миқёсида ҳам жадаллаштиришимиз лозим.

Мамлакатимизда акциядорлик молиялаштириш орқали кўламли инвестицияларни жалб этишнинг ҳозирги кундаги ҳолатини ижобий баҳолай олмаймиз. Акциядорлик молиялаштириш орқали инвестицияларни жалб этиш кўлами банклар орқали инвестицияларни жалб этишга нисбатан анча паст Ривожланган мамлакатларда эса фонд бозори бемалол банклар билан бу борада рақобатлаша олади. Зеро, бу борада соҳанинг етук иқтисодчи олимлари “Акция бозори савдо айланмасининг ЯИМга нисбатан анча пастлиги унинг (акция бозорининг) инфратузилмаси такомиллашмаганлигидан ва мамлакат

иқтисодиётида сезиларсиз аҳамиятга эғалигидан, у бугунги кунда давлатнинг макроиқтисодий сиёсати контекстида ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт ўсишини стимуллаштириш, инфляцияни пасайтириш, иқтисодиётни модернизация қилиш мақсадида молиявий ресурсларни жалб этишнинг асосий механизмларидан бири ҳисобланмайди” [12] тарзида баҳо берган. Албатта, ушбу фикрлар 2012 йилда айтилган бўлса-да, ҳануз ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Фикримизча, республикада ҳозирги кунда акциядорлик молиялаштириш орқали кўламли инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири акциядорлик жамиятларида давлат улушининг юқори эканлиги билан боғлиқ. Давлат рақобат кўмитасининг маълумотларига кўра, ҳозирда республикада фаолият юритаётган 600 дан ортиқ акциядорлик жамиятлари мавжуд бўлиб, улардаги давлатнинг бевосита ёки билвосита ҳиссаси 70% дан ортиқни ташкил этмоқда. Давлат улушининг юқорилиги иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига кескин тўсқинлик қилмоқда.

Шунингдек, корпорацияларнинг бошқа шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар (масалан, кичик бизнес)дан кескин фарқ қиладиган энг асосий хусусиятлари бўлиб устав капиталининг, капитализация (капиталлашув) даражасининг юқорилиги, ўзида йирик капитални концентрация қилиши ва йирик лойиҳаларга маблағ йўналтира олиши ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Умуман, акциядорлик жамиятлари шаклидаги корхоналарнинг муайян камчиликлари бўлишига қарамасдан, улар жуда кўп устунлик томонларига эга. Шунингдек, мазкур турдаги корхоналар асрлар давомида ўзини оқлаган ҳамда такомиллашаётган, мамлакатлар ялпи ички маҳсулотига ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келаётган ташкилий-ҳуқуқий шакл ҳисобланадилар.

Шубҳасиз, акциядорлик молиялаштириш орқали инвестицияларни кенг жалб этиш корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Шунинг билан бирга, Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётининг истиқболли йўналишларини ифода этади.

Фикримизча, Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларида давлат улушининг юқорилиги билан боғлиқ муаммони ҳал этиш учун “олтин акция”дан фойдаланишни кенгайтириш лозим. Қонунчиликда “олтин акция”дан фойдаланиш назарда тутилган бўлса-да[13], у амалда кенг қўлланилмаяпти. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар устав жамғармаларидаги давлат улушига тегишли акцияларни юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ҳамда пировардида “олтин акция”дан фойдаланган ҳолда вето қўйиш ҳуқуқини давлат сақлаб қолиш амалиётини қўллаш мақсадга мувофиқ. Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4-бандида ҳам “Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш” белгиланган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда. www.lex.uz
3. “Корпорация” – лотинча corporatio – бирлашма, ҳамжамият. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда (мас., АҚШ, Канада каби) акциядорлик жамияти шакли. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. . Ж. II. Е – М / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқалар.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.408.
4. Страхова Л.Н. О методологии акционирования // Менеджмент в России и за рубежом. – 1999. – №5, 28-стр.
5. Буркова Н.В., Маковецкий М.Ю. Микроэкономика. Рынки ресурсов, общее равновесие и несовершенства рынка. Учебное пособие / Омск, 2010 год, 152-стр.
6. Маковецкий М.Ю. Акции как инструмент корпоративного финансирования / Экономика и труд. Сборник научных трудов. – Омск, 2001 год, 117-стр.
7. Пороховский А.А. Акционерный капитал в экономике США // США-Канада: экономика, политика, культура. – 2001. №9, 5-стр.
8. Бочаров В.В., Леонтьев В.Е. Корпоративные финансы / СПб.: Питер. – 2004 г, 67-стр.
9. И.Мирзаев., Ғ.Турсунов. Ўзбекистон ва Корея фонд биржалари ҳамкорлиги самаралари. Бозор, пул ва кредит, 2015 йил 9-сон, 61-бет.
10. N.Aktas, K.Andries. Stock market development and the financing role of IPOs in acquisitions. Journal of Bankung and Finance, volume-98 (2019), 25-38. www.elsevier.com/locate/jbf
11. Швырков О. Г. Корпоративное управление как инструмент роста инвестиционной привлекательности компаний. Журнал “Акционерное общество: вопросы корпоративного управления” №10, 2013.
12. Шохазамий Ш.Ш. Системное развитие рынка ценных бумаг в регулятивной взаимосвязи с реальной экономикой / Монография. – Т.: Fan va technology, 2012. -3-стр.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 июлдаги 151-сонли “Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида” қарори. www.lex.uz